

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

КАФЕДРА МИРОВОЙ ПОЛИТИКИ

ЦЕНТР СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СТРАН ВОСТОКА

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МИРОВОЙ ПОЛИТИКИ

сборник научных статей

Ташкент – 2014

<i>Каримов Ф.Э.</i> Халкаро муносабатлар тизимида миллий манфаатларни химоя қилиш механизмлари.....	63
<i>Николаева К.С.</i> Усилия КНР по укреплению международного сотрудничества в сфере климатических изменений	67
<i>Низова Н.М.</i> Генезис международных договорно-правовых основ пресечения дискриминации и насилия над женщинами.....	72
<i>Норбоев Х.</i> Замонавий халкаро муносабатларда Форс кўрфазининг ўрни	76
<i>Salayev O.S.</i> Xozirgi davrda davlat va din o'zaro munosabatlari.....	80
<i>Саламов А.</i> Харбий дипломатия - ташқи сиёсат инструменти.....	83
<i>Ха Ин Мул.</i> Из истории политической культуры Южной Кореи ...	87

РАЗДЕЛ 3. ОДАРЕННЫЕ СТУДЕНТЫ И ИХ НАУЧНЫЕ РУКОВОДИТЕЛИ

<i>Ёқочев Ш.А., Далиева Ф.Х.</i> Основы внешней политики современного Китая	92
<i>Ёқочев Ш.А., Кодиров И. Б.</i> Территориальные противоречия между Испанией и Марокко	95
<i>Каримова Н.Э., Абдумаликова М.</i> Внешнеполитический курс второго кабинета Синдзо Абэ	98
<i>Каримова Н.Э., Зиатдинов Д.</i> К вопросу об особенностях Азиатско-тихоокеанского регионализма.....	103
<i>Каримова Н.Э., Толибова У.</i> История островов сенкаку/дзюйодао в контексте японо-китайских отношений.....	108
<i>Rashidov R.R., Zohkhhidov M.M.</i> Building a strong afghan national police is an issue of importance	112
<i>Rashidov R.R., Musayeva G.H.</i> Afghanistan's mining sector as one of the most perspective sphere of economic development	116

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ
КАФЕДРА МИРОВОЙ ПОЛИТИКИ
ЦЕНТР СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СТРАН ВОСТОКА

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МИРОВОЙ ПОЛИТИКИ

сборник научных статей

Ф.Э. Каримов, катта илмий
ходим-изланувчиси, ТДПН

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларида халқаро муносабатлар тизимида юз берган жараёнлар нафакат дунё геосиёсий ҳаригасини тубдан ўзгартиришга, балки миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашни долзарб масалага айлантирди ҳамда ушбу жараёнда иштирок этаётган субъектлар фаолиятининг мазмун ва мақсадини, бу жараёнларнинг халқаро хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини белгилаб берувчи омиллар, шарт-шароитлар, тенденцияларни аниқлашга бўлган эътиборни кучайтирди. Бу эса, ўз навбатида, миллий манфаатларни таъминлаш ва ҳимоя қилишга доир замонавий ёндашув ва концептуал қарашларни ишлаб чиқишни ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишни талаб этмоқда.

Жаҳон сиёсатида янги "қуч марказлари"нинг юзага келиши, геосиёсий қучлар мувозанатининг ўзгариши, айрим давлатларнинг дунё ҳукмронлиги учун очикдан-очик даъволари турли хил анъанавий ва ноанъанавий таҳдидларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ушбу рақобатнинг кучайиши натижасида ҳамда халқаро майдонда турли сиёсий қучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» никоби остида амалга ошираётган, узокни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, аниқлаш катта аҳамият касб этади. Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваломбор, ер ости, ер усти бойлиқларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай қаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айланган уша давлатларнинг манфаатларига хизмат қилаётган қучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас (1).

Халқаро муносабатларнинг глобализуви, бир томондан, янги муносабатларга халқаро майдонга эркин чиқиш ва турли давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилишда кенг имкониятлар яратётган бўлса, иккинчи томондан, давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви ҳамда улар ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиши натижасида бу жараёнда маълум бир минтақадаги турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва молиявий муаммолар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалмоқда ва ўз таъсирини ўтказмоқда.

Умумий бозор	-ягона ташқи савдо тарифи жорий этилади; -савдода чекловлардан воз кечилади; -аъзо бўлмаган мамлакатларга нисбатан ягона савдо сиёсатини мувофиқлаштириб туриш назарда тутиллади; -ЖСТ доирасидаги музокараларда биргаликда қучли мавкега эришилади. -мехнат ресурсларининг кўчиб ўтиши учун ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитлар яратилади; -капиталнинг эркин ҳаракат қилиши назарда тутиллади; -иқтисодиётнинг муайян тармоқларини ривожлантиришда ягона сиёсат ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.
Иқтисодий ва валюта иқтисодий иттифоқи	-давлатлараро иқтисодий сиёсат масаласи ҳамкорликда ҳал этилади; -инвестициялар, савдо, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича иттифок миқёсидаги меъёрлар ишлаб чиқилади; -иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, тармок ва ҳудудларнинг ривожланиш режалари иттифок миқёсида кўриб чиқилади ва ҳал этилади; -иттифокка аъзо мамлакатларнинг янги «марказий банки» шаклланиши; -ягона валюта қиритилиши ва молия пул сиёсати иттифок миқёсида ҳал этилади.

Юқоридаги жадалда Араб ва Африка минтақаларидаги иқтисодий интеграциянинг асосий босқичлари, унда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўлами ақс эттирилган.

- (1) Jeune Afrique. — 1989. — №1477. — Б. 46.
- (2) League of Arab States official website. Information about the organization. Homepage. http://www.lasportal.org/wps/portal/las_en/home_page/tu/p/c5/04_SB8K8xLLM9MSSZPx8Bz9CP00s3gXy8CgMIMgYwOLYt-dLA08Jf709_X28JlwN_E6B8JG55C3MCuoNT8_IDQXbiNwMk64ADOBro-3nk56bqF-RGVHjQioCAKQoUKM/dl3/d3/L2dBISEvZ0FBIS9nQSEh/
- (3) Arab league wants to go through a transformation. Posted on December 8, 2012. // <http://www.arableagueonline.org/arab-league-wants-to-go-through-a-transformation/#more-170>
- (4) Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. (С.А.Жўраев, О.М.Ахмедов, М.А.Рахимова ва бошқалар). — Т., 2007.

Бундай вазиятда юзага келган сиёсий воқеликни чуқур илмий таҳлил этиш, миллий манфаатларни таъминлашнинг ноанъанавий ва анъанавий усуллари яхши ўзлаштириш давр талабига айланди.

Халқаро муносабатларда хавфсизлик муаммоси энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, уни таъминлаш ҳар бир давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб саналади. Сиёсий фанларнинг назарийчилари ҳам, амалиётчилари ҳам жаҳонда содир бўлаётган ўзгаришлар, хусусан, мавжуд таҳдидлар ва хавфлар сонининг ва уларнинг турларини кўпайиши каби муаммоларни тез англай олиши ва тезкор жавоб қайтара олиши даркор.

Замонавий сиёсий жараёнларда халқаро муносабатлар тизимининг муҳим ўзгаришларини кўриш мумкин, яъни ҳозирда кучли давлатлар орасида ядровий уруш муаммолари ва давлатлараро ҳарбий тўқнашулар таҳдиди, иккинчи даражали муаммоларга айланган. Глобаллашув, сиёсатда ноанъанавий акторлар сонининг ор-тиши ва секьюритизация сиёсати натижасида, ноҳарбий характерга эга бўлган муаммолар биринчи даражали мавқега эга бўлмоқда. Таҳ-дидларнинг ўзгариши эса, ўз навбатида, хавфсизлик концепцияси-нинг ўзгари-шига олиб келади: субъект (ҳимоя қилувчи), объект (ҳи-моя қилину-вчи) ва бу ҳимояни таъминловчи механизмлар (метод).

Мавзунинг хусусиятидан келиб чиқиб, миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг янги йўналишларига бағишланган асарлар биринчи ўринда кизиккиш уйғотади. Бунда ишнинг максоди ва предмети-дан келиб чиқиб, қатор хорижий олимларнинг ушбу соҳадаги тад-қиқот-лари аҳамиятлидир.

Ҳозирда жаҳон сиёсатининг илмий доираларида *soft power* (2) концепцияси катта кизиккиш уйғотмоқда. Неолиберализм мактаби ва-қиллари қарашларини акс эттирувчи бу концепция, нафақат Америка Қўшма Штатлари оммавий дипломатияси ва ташқи сиёсатини, балки бошқа кўпгина давлатларнинг ҳам ташқи сиёсий фаолиятини бел-гилаб бермоқда.

Бу концепциянинг асосчиси Ж.Най фикрига кўра, давлат миллий манфаатларини ҳимоя қилишнинг анъанавий механизмларига (*hard power*) давлатнинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳиятини киритиш мумкин. Миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг ноанъанавий механизмлари (*soft power*) эса, уч асосий йўналиш билан белгиланади: *биринчидан*, бу маданият, яъни ҷамият учун маълум қимматга эга бўлган кадрият-лар; *иккинчидан*, сиёсий мафкура; *учинчидан*, ташқи сиёсат, яъни бу ҳолатда – дипломатия.

Бунда, маданият ва сиёсий мафкуралар миллийнинг тарихан шаклланиб келган мероси ҳисобланади, ташқи сиёсат эса субъектив омил бўлиб, у мана шу даврда ҳокимият тегасида турган сиёсатчилар томонидан амалга оширилади. Бироқ, уни амалга ошириш ҳам субъектив, ҳамда объект-ив бўлиши мумкин.

Миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг *soft power* концепция-сида муҳим элемент бўлиб, неолибералистлар фикрига кўра, маданият ва ҳаёт тарзининг ёқимлилиги хизмат қилади. Давлатнинг дунёдаги лидерлигини таъминлашда, давлатга келаятган эмигрантлар сони, чиқарилаётган теледастурлар ҳажми, чет эллик талабалар сони ва нобел мукофоти совриндорлари орасида фуқаролар сони каби кўрсат-кичлар муҳим аҳамият касб этади. Демак, миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг ноанъанавий механизмлари бу – нафақат таъсир (*influence*), балки “жозибадорлик” (*attractive power*) ҳамдир. Бундан хулоса шуки, жаҳон сиёсатида *soft power* ресурслари бўлиб, таъсир кўрсатмокчи бўлган субъектга “жалб қилувчи” ва таъсир кўрсатиш объектини “рағбатлантирувчи” ва бунинг ёрдамида уни назорат қилувчиларга ўз максалларига эришишларига кўмак берувчи, ресурсе-лар хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар иккала концепциянинг негизида, яъни ҳам *hard power*, ҳам *soft power* стратегияларининг бирлаштирувчи омил-и бўлиб, белгиланган максалга эришишда, бошқа акторлар харакат-ларига таъсир кўрсатиш ётади. Уларнинг орасидаги фарқ эса, уларнинг инструментлариди. Яъни *hard power* босим ва зўравонлик орқали ўз иродасини ўрнатишни, куч ишлатишни илгари суради (ҳарбий куч ёки иқтисодий ресурслар ёрдамида). Бундан фарқли равишда, *soft power* нинг самарали таъсири, оммавий аҳборот воситалари орқали турли маъ-лумотларни тарқатиш механизми ёрдамида шакллантирилади. Демак, *hard power* ҳам, *soft power* ҳам ягона стратегияга эга, лекин бу стратегияни амалга ошириш тактикалари уларнинг ҳар бири учун ўзига хос хусусиятга эга деб таъкидлаш мумкин.

“Юмшок кучнинг” ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, унинг давлат ва ҳукуматдан нисбатан мустақил эканлигида. Шунинг учун ҳукумат томонидан қаттиқ кучнинг бошқарилиши нисбатан осон-роқ. Сабаби, ҳарбий ҳаракатлар ёки иқтисодий санкцияларни қўллаш оқибатида юзага келиши мумкин бўлган натижаларни нисбатан олдин-дан башорат қилиш мумкин, аксинча “юмшок куч” анча аморф кўри-нишга эга ва уни режалаштириш бирмунча мураккаб ҳисобланади.

Бирок *soft power* ни режалаштириш мураккаб бўлганига карамай, давлатнинг амалдаги ташки сиёсати *soft power* самардорлигини кучайтириши ёки заифлаштириши мумкин. Хусусан, Ироқдаги уруш ва харбий акциялар кўпгина давлатлар олдига Америка Қўшма Штатларини бирмунча обрўсизлантирди ва унинг дунёдаги ижобий имиджга салбий таъсир кўрсатди. Аналогик равишда Собик Совет Иттифоқининг Венгрия ва Чехословакияга уюштирган интервенциялари ҳам, унинг хатто социалистик республикалар орасида макеннинг тушишига ва салбий қабул қилинишига олиб келган эди.

Давлат томонидан режалаштирилиши бирмунча енгилроқ бўлган ноанъанавий механизмларнинг энг самарали усулларидан бири бу — оммавий дипломатиядир (*public diplomacy*). Уни амалга оширишда марказий ўринни инновацион ресурс ва инновацион оқимлар устидан назорат эгаллабди. Айнан шу инновацион ресурсларни назорат қилиб бўлмаслик, турли оммавий ахборот воситалари бир муаммони ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилиб эфирга узатишига олиб келмоқда. Натижада эса кўпгина зиддиятлар ва муаммолар наздиқат юзга келмоқда. Хусусан, "Араб баҳори" номи билан аталган зиддиятлар, мана шундай инновацион уруш маҳсулидир.

Демак, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, миллий манфаатларни химоя қилишнинг ноанъанавий механизмлари (*soft power*), ноҳарбий методларни ўз ичига олиб, реализмга асосланган, давлат ва харбий таҳдидларни илгари сурадиган, анъанавий механизмларнинг ўртасидаги муносабатлар эса, таҳдидлар турига кўра белгиланади, яъни "анъанавий-ноанъанавий", "харбий-ноҳарбий". Бирок, баъзи сиёсатшуносларнинг таъкидлашига кўра, XXI асрга келиб, уларнинг ўртасидаги анъанавий муносабат таназзулга учраган ва ҳеч қандай мувозанат мавжуд эмас. Хусусан, терроризм аввал "юмшок" таҳдид сифатида намоён бўлган бўлса, ҳозирда у харбий, яъни "каттик" хавфни акс эттиради. Демак, шу аснода таҳдидларни "юмшок" ёки "каттик" таҳдидларга ажратиб бўлмайди.

Шу сабабли ҳозирда олимларнинг "*soft power*" концепцияси остида нимани назарда тутиш ҳақидаги фикрлари бўлинган ва ҳар бир йўналишнинг ўз қарашлари ва уларни асослаб берувчи омилини мавжуд. Бирок, фанда бу концепция асосан ноҳарбий таҳдидлар мажмуини акс эттиради.

Мана шундай фикрлардан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш жоизки, бу икки концепцияни ягона бирлик сифатида кўриш бир мунча

хатоликларга олиб келиши мумкин. Дарҳақиқат улар ўзаро боғлиқ, колаверса, уларнинг ўз олдига қўйган мақсади (яъни миллий манфаатларни химоя қилиш) ҳам ягона, лекин уларнинг химоя объекти ва бу химояни амалга оширишдаги механизмлари турличадир. Хусусан, *hard power* концепциясида хавфсизлик объекти бўлиб давлат, *soft power* да эса инсон ва жамият хизмат қилади. Демак, *hard power* вертикал равишда таъсир кўрсатади, яъни у давлат ва унинг химоячиларига, хусусан куролли кучларига энг аввал таҳдид солади ва секин-аста индивид даражасига тушиб боради. Масалан, бирон-бир давлат бошқа давлатга уруш эълон қилганда, хужумни қайтариш ролини армия ўз бўйига олади, буни натижалари эса, ўз навбатида жамият ва индивидга хавф яратиши мумкин. *Soft power* эса, бундай расмий йўналишларни четлаб ўтган ҳолда, тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Масалан, кибер-хужумлар, ноқонуний миграция, психологик уруш, маданий тарғибот — аввал шахс манфаатларига таҳдид солади, кейинчалик жамият, давлат ва халқаро тартибга хавф келтириши мумкин. Колаверса, хавфсизлик субъектлари сони ҳам бир мунча фарқланади, яъни "юмшок" хавфсизликни таъминлашда нафақат давлат, балки фуқаролик жамияти ва ноҳукумат ташкилотлар ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин (3).

- (1) Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. —Б. 116.
- (2) Joseph Nye. Soft Power. The Means to Success in World Politics. New York: PublicAffairs, 2004.
- (3) Макарычев А.С. Безопасность как феномен публичной политики: общие закономерности и проекции на балтийский регион // http://megaregion.narod.ru/articles_text_2.htm, data посещения: 4.10.2010.

К.С. Николаева, старший научный сотрудник-соискатель, ТашГИВ

УСИЛИЯ КНР ПО УКРЕПЛЕНИЮ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В СФЕРЕ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ

КНР участвует в международном сотрудничестве в сфере противодействия климатическим изменениям, развивает его и вызывает его конструктивную роль, руководствуясь принципами «взаимной выгоды, общего выигрыша и реальной эффективности». В последние годы